

ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLICAN
MILLIY TIRUV...
INV. №



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 13 сентябрь, № 182 (4335) • Пайшанба

БУНЁДКОРНИНГ БАХТИ

Яхши инсон ақлини таниганидан бошлаб, манзил-маконига, оиласига, қавму қариндошларига, дўсту биродарларига, маҳалласига, шахрига, она Ватанига нақадар садоқат, эътибор, меҳру муҳаббат кўрсатганини сарҳисоб қилиб юради. Илло, бугун янги уч минг йилликнинг эттинчи йили Ўзбекистон аталмиш улук мамлакатнинг мард, фидойи, ҳалол ва меҳнаткаш фарзандлари учун шонли сарҳисоб йили бўлди.

Истиқлолнинг 16 йили шахс ва мамлакат тақдирига улкан янгиланишларни олиб кирди. Ватанимиз ўз қиёфасини топди. Бу қиёфа йирик қорхоналар, обод шаҳарлар, мактаблар, кенг кўчалар, гуллаб-яшнаган қишлоқлар қиёфаси билан уйғунлашиб, маҳобат ва муаззамлик касб этди.



Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Ж. НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

Ана шу маҳобат ва муаззамлик бунёдида, шубҳасиз, миллионлаб ватан фарзандларининг хиссаси беқийс. Жумладан, юртимизнинг доврўки фарзандларидан бири — Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳмадовнинг ҳам бу бунёдкорлик ишларида ўз ўрни бор. Биз Ҳамза акани Хайро-Боддаги 166-йўл-машина станциясида ҳаммас-лари даврасида учратдик.

— Яқинда Дарбандда, — дейди қаҳрамонимиз, — янги темир йўлнинг ишга туширилишига бағишланган катта тантана бўлиб ўтди. Тўғри-

сани айтсан, «Аср мўъжизаси» деб тан олинган бу буюқ қурилишда қатнашганимдан, мен ётказган темир йўллардан поезд ўтаётганидан бахтиёрман.

— Ҳамза «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлида астойдил, ғайрат-шижоат билан ишлаган йўлсозларимиздан бири, — дея сўхбатга қўилади қорхона бошлиғи Азамат Донаев. — У Қумқўрғонда биринчи рельсни ётқизган эди. Шўрб қишлоғида икки томондан келган йўлни бирлаштириш учун охириги рельсни ётқизиш ҳам унга

насиб этди. Тоғлар орасидан ўтган илон изи йўлда рельс ётқизиш кран машинистидан катта маҳорат ва жасорат талаб қилади. Йўлсозларимиз бу вазифани қойилмақом қилиб удалаганидан хурсандимиз.

Қаҳрамоннинг оила аъзоларини муборакбод этиш учун кечкиб бўлса-да, унинг хонадонига йўл олди. Уйи шундоққина ишонангнинг ёнида экан. Бизни турмуш ўртоғи Раънохон, фарзандлари Дилмурод, Гулбаҳор, Зебунисо, Меҳринисо ва келини Маъмураҳон қарши олишди.

— Мактабдан ҳозиргина келдим, — дейди Раънохон. — Биласиз, янги ўқув йили бошланди. Директоримиз Исок Ҳўзовов кўпчилиқ орасида дабдурустдан: «Мактабимиздан академик Назар Тўраев чиққан эди, энди Қаҳрамон ҳам чиқди. Бошлангачи синф ўқувчиси Раъно Маҳмадовнинг турмуш ўртоғи Ҳамза Маҳмадов

(Давоми 2-бетда).

Жараён

ЯНГИ ИШ ҲАРАЁНИ

Қизилтепа туманининг Оқмачит маҳалласида 3100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг фойдали иш билан таъминлашда тадбиркорларнинг хиссаси катта бўлапти.

Қўрғондаги иккита маҳаллада мактаб, қишлоқ врачлик пункти, 40 ўринли тивуксеи, 2 та дўкон ва компьютер хоналари мавжуд. Булардан ташқари, ишга лаёқатли аҳолининг бир қисми касаначилик ишлари билан шуғулланимқда.

Тадбиркор Абдурашул Жапполов хориждан сифатли қурилиш материаллари келтириб, мебель, теҳна оқди. Фидойи аёл Гулнур Шабанованинг ташаббуси билан тивуксеи теҳна иш бошлади. Оқибатда, бир гуруҳ хотин-қизлар иш билан таъминландилар.

Шундай қилиб қишлоқда иш ҳаёли қолмади. Бу эса хонадонлар фаровонлигини таъминламоқда.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


ДАРОМАД — МЕХНАТДАН

Бултур «Жондорпахто-залаш» хиссасдорлик жамиятида 42 минг 935 тонна пахта қабул қилиниб, ундан 14 минг 551 тонна тола ишлаб чиқарилган эди. Унинг қарийб 98 фоизи хорижга экспорт қилинди.

— Даромадимиз ҳам меҳнат яраша бўлди, — дейди қорхона директори ўринбосари Рашид Аҳмедов. — 2006 йил якуни бўйича 262,4 миллион сўм соф фойда олинди.

Қорхона жамоаси бу йилги пахта ҳосилини қабул қилишга пухта ҳозирлик қурди. Жамият тасарруфидоги учта табиёрлов масканида пахтани қабул қилиш, сақлаш ва уни қайта ишлаш учун бир қатор юмушлар бажарилди. Жумладан, гарамлаш майдончалари тартибга келтирилиб, ўт-ўланлардан тозаланди. Зарурат сезилган жойлар бетонлаштирилди. Лаборатория хоналари, етти та тарози тайёрлаб қўйилди. Чигит туқни ажратуви 14 та лифтер, учта тойлаш ускунаси ҳам мавсумга шай қилиб қўйилди.

И. ИВРОҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗИМИЗ ЕТИШТИРАМИЗ, ЎЗИМИЗ СОТАМИЗ!

Тошкентда 17-19 сентябрь кунлари III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади

Пахта — халқимизнинг фахр-ифтихори, ризқ-рўзимиз манбаи. Шу билан бирга, пахтачилик мамлакатимиз иқтисодиётида энг йирик тармоқ ҳисобланади. У зида улкан агросаноат мажмуасини бирлаштирган. Хусусан, илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиаллари, синов-тажриба станциялари, пахта тозалаш ва қайта ишлаш заводлари, энгил саноат қорхоналари, биржа ва ташқи савдо ташкилотлари шулар жумласига кирди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан бошқа соҳалар қаторида қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишловлар олиб боришмоқда. Хусусан, селекциячи олимлар томонидан яратилган гузанинг тезлишири, тола чиқиси 40 фоизгача бўлган навларини районлаштириш жорий этилди. «Узпахтасаноат» уюшмаси тасарруфидоги 60 дан зиёд пахта заводи модернизация қилинди. Бу, ўз навбатида, тола чиқиси ва унинг сифатини ошириш имконини яратди.

Мазлумки, дунё пахта саноатида тола сифатини аниқлашда НВИ-тести қўлланилади. Яъни толаннинг узунлиги, пишдиқ-пухталиги, микронейри, чўзин-чўқлиги, иблослик даражаси айнан шу усулда аниқланади. Мамлакатимизда ҳам ушбу тизим жорий этилгани ҳамда уни сертификатлаш механизми халқаро стандартлар даражасига етказилгани жазон бозориди ўзбек пахтасига бўлган талабини янада оширди. Шунингдек,

ташқи савдо компанияларига маркетинг сиёсатини мустакил амалга ошириш ва пахта толасини жаҳон бозориди нарх-наводан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳуқуқи берилди. Хусусан, «Узпромхиммэкс» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси томонидан йилга ўртача 300 минг тонна пахта толаси айланиши салкам 40 та давлатга экспорт қилинмоқда. Халқаро пахта ассоциацияси (ICA)нинг аъзоси ҳисобланган мазкур компаниянинг йиллик савдо айланмаси 350 млн. АКШ долларидан ошади. Унинг 7 та худудий пахта терминалида эса 100 минг тонна маҳсулотни сақлаш имконияти мавжуд. Умуман олганда, мамлакатимиздаги 22 иқтисодлаштирилган пахта терминали бир вақтинчи гузанинг 352 минг тонна толаси жаҳон андозлари даражасига сақлаб туриш ва уни харидорларга етказиш инфратузилмаси яратилган.

Жаҳон хўжалиги иқтисодий интеграцияси миллий бозорлар ва мамлакатлар хўжалиги омутичи субъектлари ўртасидаги узвий боғлиқлигини аниқлашдан жараёнди. Шу билан бирга, у турли давлатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракатланиши орқали умумий бозорларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Табиийки, бу ўринда турли ярмаркалар, қўрғазма-савдолар катта аҳамият касб этди.

Ана шу нуктага назардан келиб чиқиб, Юртобшумиз давлатимиз ва бе-восита ташаббуси билан 2005 йилнинг октябры ойида Тошкентда I Халқаро

Ўзбекистон пахта ярмаркаси ташкил этилди. Айнан ушбу ярмарка мамлакатимизда пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқинчи бошлаб берди. Буни қийдаги далиллар ҳам исботлаб турибди. Биринчи ярмаркада 30 та мамлакатнинг 169 та компания ва фирмалари ва уларнинг иштирок этган бўлса, андан бир йил ўтиб, иккинчи шундай анжуманида 36 мамлакатнинг 250 дан зиёд тўқимачилик қорхоналари савдо агентлари ва уларнинг трейдерлари қатнашди. Улар мамлакатимизда пахтачилик комплексини ривожлантириш стратегияси билан танишишдан ташқари пахта толасини етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри савдо шартномаларини тузиш имконига ҳам эга бўлди. Учинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида эса иштирокчилар сонини олдингиларидан кўпроқ бўлиши кўтилмоқда.

Табиийки, мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиб бораётгани пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш салмоғини ошириш эҳтиёжини юзага чиқармоқда. Хусусан, 2008 йилга бориб, унинг ҳажмининг 50 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Албатта, бу жараён нафақат давлатимиз тўқимачилик саноатини ривожлантиришга, балки экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

2006 йилнинг 17-18 октябры кунлари Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ишти-

рокчиларидан бири, Бангладешлик И. Хуссейн анжуман хусусидаги фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этган эди: «Пахта экспорти ва импорти компаниямизнинг асосий фаолият турларидан ҳисобланади. Сир эмас, ўзбек пахтадан олинган толалар жаҳон бозорида жуда қадрланади. Афсуски, биз уни илгари «ичинчи қўл»дан сотиб олардик. Мазкур пахта ярмаркаси бизни ортиқча сарф-харажатлардан халос қилади. Компаниямизнинг нијати битта: у ҳам бўлса, ярмарка давомида қўлаб самарали битимлар тузиш, яъни чоғда мамлакатимизда етиштирилётган пахтадан танишиш, энг муҳими, ўзбек пахта-тўқимачиликнинг турғи, яъни унинг ҳақиқий эгасидан харид қилишдир. Бундан-да муҳими, дунё пахта бозори Шарққа қўймоқда. Бу экспорт бозорлари географияси кенгайишида жуда муҳим омилидир».

Маълумотларга қараганда, ҳозирга келиб, Жанубий-Шарқий Осиёда тўқимачилик саноати жадал ривожланиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ўзбек пахта-тўқимачилик бўлган эҳтиёжини янада оширади. Демак, пойтахтимизда тез орада бошланажак пахта ярмаркасида шу минтақадан қўлаб трейдерлар ҳам иштирок этиши турган гап.

Соддолми ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

роқчиларидан бири, Бангладешлик И. Хуссейн анжуман хусусидаги фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этган эди: «Пахта экспорти ва импорти компаниямизнинг асосий фаолият турларидан ҳисобланади. Сир эмас, ўзбек пахтадан олинган толалар жаҳон бозорида жуда қадрланади. Афсуски, биз уни илгари «ичинчи қўл»дан сотиб олардик. Мазкур пахта ярмаркаси бизни ортиқча сарф-харажатлардан халос қилади. Компаниямизнинг нијати битта: у ҳам бўлса, ярмарка давомида қўлаб самарали битимлар тузиш, яъни чоғда мамлакатимизда етиштирилётган пахтадан танишиш, энг муҳими, ўзбек пахта-тўқимачиликнинг турғи, яъни унинг ҳақиқий эгасидан харид қилишдир. Бундан-да муҳими, дунё пахта бозори Шарққа қўймоқда. Бу экспорт бозорлари географияси кенгайишида жуда муҳим омилидир».

Маълумотларга қараганда, ҳозирга келиб, Жанубий-Шарқий Осиёда тўқимачилик саноати жадал ривожланиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ўзбек пахта-тўқимачилик бўлган эҳтиёжини янада оширади. Демак, пойтахтимизда тез орада бошланажак пахта ярмаркасида шу минтақадан қўлаб трейдерлар ҳам иштирок этиши турган гап.

Соддолми ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясида Вазирлар Маҳкамасининг давлат қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада оширишга оид қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходимлари ҳамда мазкур компания тизимидоги қорхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирок этди. «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидоги иккита нефтни қайта ишлаш заводи, бир неча нефть базаси ва уларнинг филиаллари мавжуд. Улар нефть хом ашёсини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш шунингдек,

бу жараёнда истеъмолчилар билан шартнома тузиш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш тизимидоги юридик хизмат ходимлари зиммасидадир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган илчил ишловлар на-тижасида ширкат хўжаликлари тутатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Сейбра ШОЕВА, ЎЗА мухбири.

ҲУРРИЯТНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Халқимизда: «Ҳозирги куннинг қадрига етиш учун ўтган кунни эсдан чиқарма», деган нақл бор. Инчунин, бугун «мустақиллик — бу мушкуллик-да» деб, уни юзакни тушунаётганларнинг унинг ўзига хос ташвиш, изтироб ва қувончлар эвазига қолганлигини зинҳор унут-масликларини лозим.

Президентимизнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллик тарихий тараққийот йўлига бағишланган дастурий маърузасида бу йўлнинг мураккаб ҳақиқатлари атрофда таҳлил этиб берилди. Соёқ мустақил тузум даврида халқимизнинг аjoyиб фарзандлари қўнсузликлар қурбонига айланди. Биз бундай тузумдан қутулганимизга хурсанд бўлишимиз керак.

Барчангиз «қиди» фикрларини, мулкнинг умумий эканлигини расман белгилаб қўйгани, сиёсатнинг иқтисодиёт ва қонунийликдан устун қўйилиши, инсон оқилнинг иккинчи даражага тушиб қолиши каби жиддий муаммолар совет давлатининг барҳам топишига замин яратди.

Кези келганда, эски тузумнинг ёшлар сиёсати тўғрисида ҳам фикр билдириб ўтиш, ўйлашимизки, адолатдан булар. Уш пайтларда ёшларга нисбатан «ғамхўрлик» факат формал тарздагина мавжуд эди. Амалда эски тузум ҳам республика аҳоли-

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Маҳсулотлар — экспортга

«Маргилон текстил» масъулияти чекланган жамияти шаклларидаги Узбек — Турк қўшма корхонаси ташкил топганига 4 йил бўлди.

Бугунги кунда корхонада 200 га яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Корхонада, асосан, пахта чиқиндиларидан калава ип ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, Германиянинг «Трутчлер», Чехиянинг «Заурер чек», Туркиянинг «Сантес» компанияларидан технологик линия (ускуналар) олиб келиниб, ишга туширилди. Уттан давр мобайнида корхонада 3400 тонна пахта толаси қайта ишланди ва ундан 7 миллирдан сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Уларнинг 3000 тоннаси, яъни 4 миллион 145 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотлар Туркия ва Россия давлатларига экспорт қилинди.

М. МАҲМУДОВ.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши кўрсатган хизматдан Сурхондарё вилоятидаги «Фарҳод» аёллар ва болалар Муруват уйи жамоаси хушҳуд.

Муруват уйига кўмак

Кенгаш байрам кунлари жамоага 4 миллион сўм пул, 250 тахлақ чойшаблар ва 2 та ногиронлик аравачасини армуғон этди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳо-

фаза қилиш бошқармаси ҳам ўша кун муруват уйига 2 та ногиронлик аравачасини топширди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Бинони ўзимиз қурдик»

Мустақиллик байрами кунларида Бухоро Давлат университети янги маъмурий бинога эга бўлди.

Замонавий, кўркам бу бино, асосан, университетнинг ички имкониятлари ҳисобига қуриб битказилган диктатта моликдир. Дарвоқе, четдан ишчи кучи жалб этишга ҳам ҳожат бўлмади. Университет қурилиш бригадаси ҳамда «Бунёдкор — 2007» талабалар ишчи отряди иншоотни қуриб битказишда ғайрат-

шихоат кўрсатди. Бинодаги мебеллар эса университетнинг тадбиркорлик марказида тайёрланди. Университет жамоаси айна дамда саломатлик маркази, гелиополигон ва тест маркази биноларини ҳам худди шу усулда барпо этапти.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Солиқчилар ўқуви

Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари давлат солиқ хизмати ходимларининг иккинчи ўқуви бўлди.

Унда боқиманда қараларни ундириш, юридик шахслар тўловларининг бюджетга тушишини назорат қилиш, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг хизматини такомиллаштириш, жойлардаги солиқ нозирларнинг ишени ташкил этиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари, назарий хулосалар, амалий тажрибалар атрофида таҳлил қилинди. Машғулотларни Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ академияси олимлари, қўмитанинг етакчи мутахассислари олиб бордилар.

Н. БҮРИЕВ.

Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳар жиҳатдан такомиллашди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш жаҳон андозалари даражасига етди. Уттан йиллар давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Марказий Осиёдаги энг йирик, ишончли авиакомпания сифатида жаҳонга танилди. Ҳозирда қатор хоржий мамлакатларда МАК ваколатхоналари фаолият юритмоқда, чет эл фуқароларига ҳам «Ўзбекистон ҳаво йўллари» хизмати кўрсатишмоқда. Ўрни қолганда шунини айтиш керакки, ҳар бир йўловчи учун кураш аваж олган ҳозирги шароитда йўловчи ташинида кўп йиллик тажриба орттирган, авиатехниклар орасида ўз мустақам ўрнига эга хоржий авиакомпаниялар билан рақобат қилиш осон эмас.

МАК раҳбарияти томонидан қўшни Қозоғистоннинг «Чимкент шаҳрида таъсис этилган «Авиализинг» ҳамда «Silver Air» масъулияти чекланган ширкатлари (МЧШ) билан шартнома имзоланганда, катта умидлар қилинган эди. Шунга қўра, мизозлар сонини кўпайтириш, йўловчилар орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» хизматини оммалаштириш, умуман олганда, МАКнинг жаҳон бозоридagi рақобатбардошлигини янада кўпайтириш билан шуғулланиш зарур бўлган бу вакиллик фирмаларига бир қатор имтиёзлар ҳам яратиб берилди. Жумладан, чет эл шароитида бино ижараси, соҳилар, транспорт, реклама ва бошқа харажатларни қолган ҳолда иш юритиш, маҳаллий ва хоржий авиакомпаниялар билан муваффақиятли рақобат қила олиши учун авиачипталар нисбатан арзон нархларда етказиб берилди.

Шундай қилиб, МАКнинг Алматы шаҳридаги ваколатхонаси томонидан тақдим этилган авиачипталар 2002 йилнинг июлидан бери бундан бошлаб Чимкент шаҳридаги қасалар орқали сотила бошлади. Ҳужжатларда иш сип-силлиги, қўнуви, тартибли кетаётганлиги кўринарди. Ҳисоботларга ишонганидан бўлса, шундай эди ҳам. Амалда эса... Мамлакат жанубида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» чипталарини харид қилиш имконияти маъмулликнинг Қозоғистоннинг фақатгина бармоқ билан санарли фуқароларигагина билишарди, холос. Улар ҳам бўлса «Авиализинг» МЧШ таъсисчиси ва директори саналган Қозоғистон фуқаролари Людмила Вишнякко, Гүлчехра Аликуловлар эди. Чунки Чимкентдаги қассадда сотиш учун етказиб берилган авиачипталар аслида... Ўзбекистонга олиб келиб сотилар эди. Улар «ҳўжакурсин»га раҳбарлик

Бунёдкорнинг бахти

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Қарамони бўлди», деб эълон қилиб қолса бўладими. Ҳамжасларим қўзин табриқилди. Худди ўзим қаҳрамон бўлгандай ҳаяжонга тушдим. Раънохон опа бизни йўқ десак-да, қўймай ичкарига таклиф қилди. Теъдас турхон ёзди. Кўп ўтмай хонадон дўсту ёрлар, қавму қариндошларга тўлди. Дав-

рада қаҳрамоннинг ҳаёт йўли, иши, оиласи ҳақида гурунг кетди. Унинг бундан 26 йил олдин машинистга шогирд бўлиб боргани, кейин ўзи уста қранчига айлангани, мамлакатимизнинг барча вилоятларида темир йўл қуриш ва таъмирлаш ишларида иштирок этганини билиб олдим. «Учқудук-Мискен» темир йўли қурилиши, «Тошкент-Самарқанд» теъзор поезди юрадиган йўлни таъмирлаш, айниқса, қаҳрамонимиз учун

катта тажриба мактаби бўлди. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши эса уни ўзи ишининг устаси, юртига фидойи, ҳамжасларига меҳрибон инсон сифатида элга танитди. Ҳа, Ҳамза ака мамлакат қаҳрамони. Бу ном аслида мартаба эмас, аксинча, Ватаннинг фидойи жигарбандига эҳтиром. Бу эҳтиром шарафи асрлардан ошиб ўтади. Ушанда Ҳамза ақанинг авлодларидан бири «Бу темир йўлларни менинг бо-бокалоним бунёд этган. У киши эзгуликка йўғрилган ва келажикимизнинг пойдевори қўйилган орзу ва умидлар даврида яша-» дея дўстларига фахрлини айтиб беришига ишончимиз қомил.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрсатилган ўзига хос наомий шай майдонига айланган. Илгор ички ва халқорой тажрибага таянган ҳолда, бу каби ваколат марказлари электрон ҳуқумат соҳасида билим манбаи, шунингдек, давлат мансабдор шахслари учун ўз профессионал даражасини оширишга хизмат қиладиган кўникмаларни эгаллаш, демакки, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, салоҳиятини ривожлантиришда электрон бошқарув афзалликлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш асоси бўлиб хизмат қилади. Бундай марказларда ишлаётган мутахассислар энг яхши халқорой амалиёт ва мамлакатимизда тўғилган ибратли тажрибани кенг жорий этиш мақсадида стандартлар, тавсияномалар ва йўриқномалар иш-

лаб қилиш билан шуғулланади. Таъсис этилган марказ шериқ компанияларга бегараз асосда уларнинг электрон бошқарув соҳасидаги товар ҳамда хизматларини сотиш учун шароит яратиб беради, илмий тадқиқотларни амалга оширади, ахборот жамиятини шакллантириш гоёсини оммалаштириш бўйича тарбияот ишларини олиб боради. АҚТ ҳафталиги давомида яна бир муҳим тадбир — IСI 2007 - Интернет, мобил, симиқсиз ва оптик толоқ алоқа соҳасидаги янги авлод технологиялари, электрон тижорат учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича учинчи халқорой Марказий Осиё конференцияси ҳам бўлиб ўтади. Тадбир қатор халқорой тақлилотлар иштирокида ўтказилади. IСI 2007 илчил кенгайиб бораётган ахборот технологияла-

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН



ролари деб кўрсатилган йўловчиларнинг паспорт рақамлари сифатида Ўзбекистон паспортларининг серия ва рақамлари кўрсатиб кетилган холатлар ҳам кейинроқ тергов жарайида маълум бўлди. Чегарадан аширишга ўтказиб келинган авиачипталарни сотиб олувчилар ақсарияти хорийдан халқ истеъмоли моллари келтириш билан шуғулланувчи тадбиркорлар бўлиб, улар, турган гапки, доимий «ишончли» ми-

«Авиализинг» ўрнига бошқа бир янги фирма оиниши режалаштира бошлади. Шундай қилиб Чимкентда янги ташкил этилган «Silver Air» МЧШ қозоғистонлик Алия Шарикова номига расмийлаштирилди ва авиачипталарни сотиш бўйича гуҳриқаб фаолият юрйти бошлади. Шуниси қизиқки, МАК вакили А. Мамедов яқиндагина О. Яқименконинг «ижод таҳшули» бўлган «Авиализинг»дан чўв тушган

Фаргона шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Евроосиё Тапо-Диск» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси «УзДэУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиль учун дисклар етказиб беради. 560 нафар йилит-қиз меҳнат қилаётган корхона замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги маҳсулот сифати ва самарадорлигига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, корхонада «Мерседес-Бенц», «Хундай», «БМВ», «Тойота» русулли автомобиллар учун ҳам 53 турдаги дисклар ишлаб чиқаришмоқда. Эътиборлиси, улар сифати бўйича жаҳон талабларига жавоб берадиган халқорой сертификатга эга. — Корхонамиз фаолият бошлаган дастлабки даврларда диск ишлаб чиқариш учун зарур қимёвий воситалар валюта ҳисобига четдан келтирилар эди, — дейди қўшма корхона раҳбари Фуломжон Ортиқов. — Маҳаллийлаштириш дастурига қўра лак-бўёқ маҳсулотларини ўзимиз ишлаб чиқараёلمиз. Бу маҳсулот таннариhini арзонлаштириш имконини бермоқда. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида корхонада 600 минг донадан зиёд автомобиль дисклари ишлаб чиқарилди. СУРАТЛАРДА: ишчилар Ҳусниддин Ҳайитов ва Акмал Миножиев; тайёр маҳсулотлар.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Таассуф

ўлаштириб, шахсий эҳтиёжига сарфлаб келгани маълум бўлди. Суд жиноят ишлари ҳам томонлама ўрганиб чиқиб, судланувчиларни тинглаш натижасида Олег ва Виталий Яқименколарни Жиноят кодексининг тегишли моддаларида қўзда тутилган ўлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороқ қилиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини, боҳона қўнувилигини бузиш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланклар тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш каби жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди О. Яқименкони 14 йил, В. Яқименкони 11 йил муддатда озодликдан маҳрум этиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш учун судланувчилардан 304 миллион 744 минг 123 сўм миқдордаги маблағни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК фойдасига ундириб бериш ҳақида ҳукм чиқарди.

Суд шунингдек, Виталийнинг хотини Е. Пескова номига расмийлаштирилган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган «Нексис» автомашинаси ҳамда Мирзо Улугбек туманида жойлашган, онаси М. Яқименко номига расмийлаштирилган, бозор нархи 134 миллион 167 минг 596 сўмга баҳоланган 4 хонали қаватли бинонинг эгалари томонидан зарарни қоплаш учун берилишини ҳам инобатга олди. Ҳужжатларни қалбақлаштириш, найранг йўли билан текин боилиқ орттириб келган Яқименколарнинг жиноятлари фож бўлди. Уттан сарфар қонуний ҳазондан қутулиб қолган Олег бу сафар ҳам муттаҳалиқ қилиб аввалги усулни қўллашга ҳаракат қилди. Ҳеч қандай ҳужжатта имзо қўймаганини руқча қилиб, савдан қуруқ қилдишга уринди. Лекин суд зўлда ҳозир бўлган гувоҳларнинг қўрсатмалари инграб, далил-исботлар келтирилганда кейин бўшашиб, одил суд қарши-сида ер қизиқ қолди. «Қинғир ишнинг қийини қўрқ йилдан кейин ҳам чиқарди», дея бежизга айтмаган доно халқимиз.

Алишер ИСЛОМБЕКОВ.

Янги давр кадрларини тайёрлашга эътибор

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент давронинг қўшма маълумотида «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасида мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир янги давр кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон мустақиллик йилларида: янги давр кадрларини тайёрлаш» маърузидаги республика илмий-амалий семинарида давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ихроси билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокима этилди.

Унда Олий Мажлис Қўнуқчилик палатаси депутатлари, маъзуру академия тингловчилари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олий ўқув орталарининг ўқувчилари ва талабалари, сийёсий партиялар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Маъзуру академия ректори Қ. Назаров мамлакатимизни ривожлантиришнинг йўртбошимиз эга томонидан белгилаб берилган беш асосий тамойили ижтимоий ўқувчилар, бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий-сийёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришган ютуқларини мизда муҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мустақил фикрловчи, Ватан тақдирини бугун ва келажак учун маъсулиятини тегнаш ҳис этидиган кадрларни тайёрлаш давлатимиз сийёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгирилган. Йўртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга илчил татбиқ этилаётган «Таблим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ушбу ҳужжатларнинг мангиткий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мақабат тамлини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури яна шу эгта мақсадларга аҳимат қилмоқда. Қизгин баҳс ва мунозара тарзида ўтган семинарда янги давр кадрларини тайёрлашда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда сийёсий партияларнинг ҳам маъсулиятини оширишга доир масалалар атрофида муҳокима этилди, бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

Назозет УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

500 минг баррелга кўпаяди



Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти — ОПЕК шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб «қора олтин» қазиб олиш миқдорини кунига 500 минг баррелга кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мутахассисларнинг маҳсулот нархининг кўтарилиб кетиши жаҳон иқтисодида салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги таҳминлари бунга сабаб бўлди.

Нефть қазиб олишнинг кўпайиши ҳақидаги хабар бирдан бозорга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Нью-Йорк товар-ҳом ашё биржасидаги сўнги савдоларда «қора олтин»нинг баҳоси бир долларга арзонлашди.

Кўшинлар сони қисқаради

Ироқдаги АҚШ кўшинлари сони келгуси йилнинг ўрталарига келиб 30 минг нафарга қисқаради.

Бу ҳақда президент Жорж Буш билан суҳбатда бўлган, лекин номи ошкор этилишини истамаган Оқ уй вакили хабар берди. Унинг таъкидлашича, жума кuni Жорж Буш миллатга 15 дақиқалик мурожаатида ўзининг ушбу режасини эълон қилди.

Ироқдаги кўп миллатли кўшинлар қўмондони генерал Дэвид Петруснинг таъкидлашича, ҳарбийлар сони қисқаргани билан АҚШ ҳали-бери бу мамлакатни тарқ этмоқчи эмас.

Суд ҳукми ўқилди

Филиппиннинг собиқ президенти Жозеф Эстрада устидан 2001 йилнинг октябридан бундан давом этаётган суд жараёни кеча низоёсига етди.

У даромадини солиқдан яширганликда, коррупция ва порахўрликда айбланди. Суд 70 ёшли собиқ президентга нисбатан умрбод қамқоқ жазоси тайинлади.

Жозеф Эстраданинг ҳисоб рақамидagi музлатиб қўйилган 87 миллион АҚШ доллари давлат ҳисобига мусодара қилинди. France Presse хабарида айтилишича, собиқ президент Олий судга апелляция шикоятини билан мурожаат қилмоқчи.

Виза тизими жорий этилди

Боливия ҳукумати шу йилнинг 1 декабридан АҚШ фуқаролари учун виза тизимини жорий этди.

Энди Боливияга келмоқчи бўлган америкалик сайёҳ 30 кун учун 134 доллар тўлаши керак.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Давид Чокеуаннинг таъкидлашича, АҚШ фуқаролари ҳужжатлари қаттиқ текширилади. Ва-зир, шунингдек, келгусида ҳужжатларни текшириш энгиллаштириши мумкинлигини ҳам қайд этди. Чунки мамлакат АҚШдан келган сайёҳлар туфайли ҳар йили 40 миллион доллар фойда кўрмоқда.

Учта илмий мукофот

Фред Кавли фонди Норвегия фанлар академияси билан ҳамкорликда учта илмий мукофот эълон қилди. У икки йилда бир марта астрономия, нанотехнология ва неврология соҳасида энг яхши деб топилган илмий тадқиқотларга берилади. BBC News хабарида айтилишича, ҳар бир мукофот миқдори бир миллион долларни ташкил этади.

Асли норвегиялик бўлиб, ҳозирда АҚШда яшаётган Фред Кавлининг қайд эти-шича, бу мукофот Нобель мукофотига рақобатчи эмас.

Вертолётлар тўқнашди

Швециянинг жанубида наватдаги машқларни бажариш пайтида мамлакат ҳарбий ҳаво кучларига қарашли иккита «Helikopter 9» вертолёт тўқнашиб кетди.

Уларнинг бортида иккитадан учувчи бор эди. Қироллик полицияси матбуот котиби Роберт Леффелнинг таъкидла-шича, тўқнашувда барча учувчилар ҳалок бўлган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХОНЖИЗАНИНГ САХОВАТИ

«Олмалик кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига хом ашё етказиб берадиган конлар сони ҳадемай яна биттага кўпаяди.

Корхона базасида Сурхондарё вилоятининг тоғли қишлоқларидан ҳисобланмиш Хонжизада янги ер ости кони очилмоқда. Кон 2009 йилдан эътиборан ишга тушири-лиши мўлжалланган. Шу муносабат билан унинг қошида мисни бойитиш фабрикаси, ишчилар яшайдиган оилавий ётоқ-хона, ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохба-чалари қад ростламоқда. Бундан ташқари, қишлоқ билан кон оралигида узунлиги 25 километрлик автомобиль йўли барпо этилмоқда.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ОҚ ОЛМА, ҚИЗИЛ ОЛМА...

Наманганнинг олмаси ҳил-ҳил пишди. Болга бутган ме-валардан дарахт шохлари ла-зон-ларзон. Бугун воҳадаги қайси богонинг боғига кирманг, ҳосил-нинг мўл-кўллигидан дилингиз яшнаб кетади. Бу нимадан? Боглар ўз эгасини толгандан, унинг парвариши вақтида ба-жарилганидан, албатта. Айниқ-са, Янгиқўрғон богларининг файзи бўлакча. 12 минг гектар-даги боглардан 80250 тонна шириндан шаккар мева етиш-тиришга аҳд қилган тумандаги 2793 нафар фермер ҳосил-теришини авж олдиришган. «Ха-дикент келажак тонги» агро-фирмасида уюш-ган соҳибкорлар олма ва нок мева-ларининг бир қис-мини киш мавсуми учун омбор-ларга жамғариб қўйишмоқда. Туман бўйича эса бу йилги куз-киш мавсумига 21 минг тонна мева-сабзавот ҳозирланади.

СУРАТДА: ишчи Нодира Турғунова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (Ў.А) олган сурат.

KOFE ICHASIZMI?



Ko'p vazifali WorkCenter Pro 128 printeri. Barcha ofis ishlarini o'zi bajaradi. Faqat kofeni o'zingiz tayyorlashingiz lozim. Xerox. Zamonaviy yondashuv.

- Maxfiy, sinov uchun chop etish va keyinga qoldirilgan chop etish
- Chop etish ishlarini hisobga olish, chop etishda maksimal maxfiylik rejimi
- Chop etishning amaldagi maydaligi 1200 x 1200 dpi Samarali ishlash uchun 100 dan ortiq konfiguratsiyalar mavjud
- Interfaol foydalanuvchi interfeysi, tarimoq skanerlashi, e-mail da skanerlash, faks-server ishlashi

www.xerox.ru Technology Document Management Consulting Services

Mahsulot sertifikatlangan

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 16 октябрь кuni соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидагиларни кўймоқда:

- Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 19 июндаги 1-914/06/06-сонли, 2006 йил 16 ноябрдаги 10-0621/14045-Б сонли, 2007 йил 14 майдаги 1-8824/07-сонли, 2007 йил 8 январдаги 10-0621/14212-сонли, 2007 йил 15 июндаги 10-0711/4647-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 127-уйда жойлашган «Тошкентлифт» корхонасига тегишли ва шу манзилда сақланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АФ657 бўлган «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси.
- Бошланғич баҳоси — 2 610 000 сўм.
- Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2005 йил 29 декабрдаги 10-0518/11362-сонли, 2004 йил 19 ноябрдаги 10-0410/11289-сонли, 2005 йил 11 апрелдаги 10-0518/3643-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, «Toshmuhandisishootqurilish» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Строитель кўчаси, 40-уйда жойлашган ишлаб чиқариш базасининг бино ва иншоотлари.
- Бошланғич баҳоси — 582 213 300 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомо-билларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрлан-ган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-64-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Америка Қўшма Штатлари Элчихонаси Тошкент, Ўзбекистон

Америка Қўшма Штатлари элчихонаси Америка халқи номидан Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон халқига самимий қутловларини йўлайди! Америка кўплаб динлар мамлакатидир ва биз диний эркинлик, оиладаги муҳаббат ва Парвардигорга шукрона каби асосий қадриятларни ардоқлаймиз. Муқаддас Рамазон ойида бизларни бирлаштирувчи мазкур умумий қадриятларни ёдга оламиз. Ушбу муқаддас ой давомида Сизга ва оилангизга сихат-саломатлик ва бахт-саодат ҳамроҳ бўлсин! Рамазон муборак!

От имени американского народа Посольство Соединенных Штатов Америки искренне поздравляет народ Узбекистана с наступлением месяца Рамазан. Америка — страна многих религий, и мы оберегаем основные ценности, такие, как свобода вероисповедания, любовь в семье и благодарность Всевышнему. В течение святого месяца Рамазан мы вспоминаем об этих общих ценностях, объединяющих нас. Пусть вам и вашим семьям сопутствуют здоровье и счастье в течение этого святого месяца! Рамазан мубарак!

On behalf of the American people, the Embassy of the United States of America sends our warmest greetings to the people of Uzbekistan on the occasion of Ramadan! America is a country of many faiths and we cherish the fundamental values of religious freedom, love of family, and gratitude to a higher being. During the holy month of Ramadan, we remember these common values that bind us together. May you and your family be blessed with health and happiness during this holy celebration. Ramadan Mubarak.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газсервис» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАЖнинг Ўзбекистон ҳувашидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, сановат моллари каторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шасти ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Ўқидингизми?

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ



АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

«Ўзбекистон» нашриёти оқсоқол адабимиз Пиримуро Қодировнинг «Амир Темур сиймоси» номли янги асарини нашрдан чиқарди.

«Амир Темур сиймоси» — адаб соҳибқиронининг бутун ҳаёти ва тарихий фаолиятини қаламга олиб, шу тўғрисида фикр ва ўйларга берилди. Асар йирик тарихчи олим тафаккури ва улкан истеъдодли адибнинг бадиий тасаввур уйғунлашуви таъсирида ўзига хос илмий ва бадиий қизиқарли тарзда дунёга келган.

Гап фақат шунда эмас. «Амир Темур сиймоси» асарида китобхонлар илк марта анча-намунча, ҳатто қутилмаган янги маълумотларга дуч келади. Масалан, кенг жамоатчилик, ҳатто темир-шўнос олиларнинг ўзлари учун ҳам соҳибқирон бобомизнинг болалиги ва ўсимлиги йиллари маъмури, сир-асрорли бир давр бўлиб келаяпти. Пиримуро Қодиров ана шу масалани, илм-фанга илк марта бир қанча янгиликларни ҳаёт этган ҳолда, қисман ҳал этди. Манда, китобдан қатталар: «... Темурбек беш ёшда Хўжа Йилор қашлоғида Мулла Алибек муаллимининг қўлида савод чиқарди... Сунгра уни ота-оналари қилшқол масжиди қошидаги мактабхонага, Шайх Шамсиддин исми доғлага сабоққа берадилар. Кейин: «Темурбекни ўн тўрт ёшга кирганида Кеш шаҳридаги Абдулла Қутб мадрасасига ўқишга берадилар».

Китобдаги бу янгиликлар Эрондаги бир манабдан топилибди. Адиб ушбу асарини яратиш учун боларидай машаққатли меҳнат қилган. Жуда кўп нуфузли асл манбалар билан бир қаторда ўзимизда, Россияда, Европада, Осий мамлакатлари кутубхоналарида мавжуд тадқиқотлар билан астойдил танишган. Жуда кўп илмий-тарихий қарашлар билан асосли баҳсга киришган ва Амир Темурга оид муҳим ҳужжатларни илтари оingan. Адибнинг Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни, жумладан, «Темур тузуклари» тўғрисидаги фикр-ўйлари, қарашлари теранлиги, фундаменталлиги билан ажралиб туради.

Ушбу китоб халқимиз ўртасида ва ҳатто таржима қилинса, халқор микёсда, шак-шубҳасиз, катта оғуру-эътибор топадиган бир асардир.

Михил САФАРОВ.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Аллоҳ таоло Рамазон шариф ойида кишиларни ҳидоят сари бошловчи, инсониятга бахт-саодат йўлларини кўрсатувчи Қуръони каримни нозил қилган. Шунинг учун бу кунларни кечалари тоат ва ибодатда қрим, кундузлари соим — рўзадор бўлиш билан ўтказамиз.

Рўза Қуръон оятлари, пайгамбаримиз ҳадислари ва ижмои уммат билан собит бўлгандир.

Маълумки, рўзанинг луғавий маъноси «мутлақ ўзини тийиш» бўлиб, шариатда балоғат ёшига етган киши Аллоҳ таоло розилигини топиш умидида саҳардан то кўёш ботгунча еб-ичиш ва жимодан ўзини ушлаб туришига айтилади. Унинг фарз, истиёрий нафл, каф-форат, назр, қурбоник ўрнига тутилгандиган рўза каби бир неча турлари мавжуд.

Рамазон рўзаси эса, Қуръон ва ҳадис орқали мусулмонларга фарз бўлган амаллардандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Бақара» сураси, 183-оятда шундай баён қилади:

«Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилинган каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, (шояд у сабабли тақволи бўлсангиз)».

Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом:

«Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзчилигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг утган гуноҳлари кечилилади», дедилар.

Ислоом энгиллик динидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

«Аллоҳ ҳеч бир жонга (унинг) тоқатидан ташқари нарсани тақлиф этмайди...» дейди (Бақара, 286). Унинг марҳамати ва ҳикмати билан бу ибодат ҳам қудрати етган кишиларга фарз қилинди.


Агар бир киши ҳасалиги кучайиши ёки тузаланишидан қўрқса, сафарда бўлса, ҳомилдор ёки эмизикли аёл гўдагига зиён етишидан хавотирда бўлса ёки бир киши табаррук ёшга етган бўлиб, у ҳолдан тойса ва рўза тутишга қурби етмаса, бундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Улар рўза тутишга моне бўлган сабаблар кетганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшдаги ота-хон ва онахонларимиз рўза тутмаганлар, ҳар кунги рўза учун бир мискин таами микдорига фидя берадилар.

Барча ибодатлар каби рўзанинг ҳам ўзига яраша шарт-шароитлари, муоста-ҳаб ва мақруҳлари бор. Жумладан, саҳарликни таъхир қилиш (жонг отишига тақаб тутатиш), ифторликни эса аксинча тез (яъни, кўёш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир. Рўзадор фақат оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда ўта ҳушёр, бошқалар билан муомалада мулоим бўлиши, ўз нафсига ҳоқимлик қилиши лозим. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, беморларга ўзининг қалб кўри, меҳр тафти ила гамхўрлик кўрсатиши даркор.

Рўзанинг мукамал бўлиши учун ёлғон сўзлаш, ивго ва бўҳтон қилиш, нолойиқ сўзлар билан ўзгалар дилини оғритиш каби илпатлардан ўзини сақлаши лозим. Бу борада пайгамбаримиз Мухаммад

алайҳиссалом муборак ҳадисларида «Қайси бир рўзадор ёлғон гапириш ва ўнга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичишини тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас», деб марҳамат қилдилар.

Рамазон шариф тоат-ибодат, кут-баракат, бахт-саодат ойдидир. Шунинг билан бирга, бу ойда гуноҳлар мағфират этилиб, тавба-тазаррулар, чин илос ва эътиқод ила қилинган дуолар мустажоб бўлиб, қалблар таскин топади, қилинган хайрли ишлар савоби бир неча бор зиёда қилинган ҳолда қабул қилинади, иншоаллоҳ.



ҚУТЛУФ КУНЛАР ЗИЙНАТИ

Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида «Агар умматларим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофати ва баракотли эканини яхши билганларида эди, фақатгина шу бир ой эмас, балки йилнинг қолган ҳамма ойларида ҳам рўза бўлишини орзу қилган бўлар эдилар», деб марҳамат қилганлар. Яна бир ҳадисда айтадиларки: «Рамазон ойининг биринчи кунлиги раҳмат, иккинчи кунлиги раҳмат ва учинчи кунлиги дузахдан паноҳ топиш кунларидир».

Бу мағфират ойида меҳр-мурувват, саховат, олимхумнатлик кўпроқ қилинади, гина-қудратли инсонлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро уэр сўрашадилар. Биладимиз, кечиримили ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Тўй, маросим ва маръакатлари» мейёрида ўтказиш ҳақидаги Фатвосида таъкидланганидек, ҳар қандай ишда ўртақлик, муътадиллик ва меъёр ҳақида маъқулланиб келинган. Хаддан ортиш, исрофгарчилик, манманлик ва рибкорлик каби иллатлар ақлан ва шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буорилган.

Қуръони каримнинг Исро сурасида: «Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди», дейилади (Исро, 26-27).

Демак, силаи раҳм ва турли хайр-эхсонлари беришда ҳам меъёрдан ташқари ҳаржасат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ томонидан маън этилган. Шунингдек, Қуръони каримда хайр-эхсонда ўртақол бўлганлар Аллоҳнинг суюкли бандалари эканлиги таъкидланади:

«Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида — мўтадилдир» (Фурқон, 67).

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгар-

чиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан, «Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинлар садақа қилинган, кийиниб яса-нинлар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар!» дейилади (Имом Аҳмад, Ан-Насайи, Ибн Можжа ривоятлари).

Яна бир бошқа ҳадиси шарифда: «Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам ўртақол бўлиш қандай яхшидир», дейилган (Абу Бакр Баззор ривояти).

Тежамкорлик тўғрисидаги ҳадиси шарифда эса «Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайдир», деб айтилган (Имом Аҳмад ривояти).

Эътиқодимиз бўйича, инсон намоз, рўза, ҳаж, хайру садақа, тиловати Қуръон каби амалларининг савобини май-йилларга бағишласа, албатта, савоби етади. Шунга қўра, ушбу мақсадда икти-соний имкониятига қараб, хоҳлаган вақтда фақир ва мискинларга эҳсон дастурхонни ёзишлик жоиз. Савоби ана ҳам улуг бўлишига ҳамда қолган меҳмонлар рўзиди ҳам маънавий озуқа олишлари учун рўзиди эҳсонларни енгил ва илчам тарзда амри маъруф шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Уларнинг кўпгина шивир-шивирларида — агар садақа беришга ёки эзуғликка буоринишга ёхуд одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буормаган бўлса — яхшилик йўқдир. Кимдаким — Аллоҳ ризоси учун шунини қилса, унга улкан муқофот беражамиз», (Нисо, 114), дейди.

Муборак ой

Яна шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, эҳсонни фақат зиёфат кўринишида эмас, балки ўша зиёфатга кетадиган маблагни муҳтож оилаларга, меҳрибонлик ва қарилар уйларига, ободонлаштириш ишларига, ёшларнинг илм ва ҳунар олишлари учун сарф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур.

Авалламбор, Исролда барча хайру эҳсонлар Аллоҳнинг розилигини топиш учун бўлмоғи лозим.

Хўш, қандай қилинса Аллоҳ рози ва эҳсон Унинг ҳузурда мақбул бўлади? Бунинг бир неча шартлари бор:

Биринчи. Эҳсон учун сарф қилинаётган мол-дунё ҳалол йўл билан топиш шарт. Пайгамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадисларида марҳамат қилганлар: «Банда харомдан мол топиб, эҳсон қилган билан молига барака кирмайди. Садақа қилса қабул қилинмайди» (Имом Аҳмад ривояти).

Иккинчи. Холис Аллоҳ учун бўлмоғи шарт. Одамлар кўрсин, мақтасин деб, риё мақсадида қилинган эҳсон мақбул эмас. Қуръон оятларида мол-дунёсини хайрига ишга сарф этишга бахиллик қиладиган, эҳсон қилган тақдирда ҳам одамлар кўрсин, мақтасин деб қиладиган кишиларни Аллоҳ севмаслиги, балки улар қанбқил ва мақтанчи кишилар эканлиги баён қилинган. Риёкорлик билан қилинган эҳсон эвазига ҳеч қандай савобга эришиб бўлмас, ак-

синча, оғир гуноҳга ботиш мумкин.

Учинчи. Исрофга йўл қўймаслик. Исроф деганда фақат таомнинг ортиб қолиши ёки оёқ ости бўлишини тушунамаслик керак. Балки, нўрири жойига қилинган эҳсон ҳам исрофдир.

Демак, исроф бўлмаслиги учун авалламбор, эҳсон қилувчи киши қиларига эҳсон қилиниши лозимлигини билимоғи керак. Акс ҳолда, ўз эгаларига берилмаган эҳсон мақбул бўлмайди. Чунки, хайр-эхсон ва зиёфат беришдан асосий мақсад муҳтож ва фақирларга моддий ёрдам кўрсатишдир.

Минг афсуски, ҳозирги кунда баъзи кишилар томонидан эҳсон қилишда ушбу шартларга риоя қилмаслик ҳоллари содир бўлмоқда. Бунга асосий сабаб, ўша кишиларда манманлик, риёкорлик каби иллатларнинг мавжудлигидир.

Ўтазилгидиган ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолда, унинг ҳоли қудратидан келиб чиқиб, ниҳоят даражада иқтисод ва тежамкорлик билан ўтказиш эса шариатимиз руҳига мос тушади. Албатта, булар жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллар ила бамаспахат қилинган маъқул.

Яратган Парвардигордан Муборак ойда юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдевориини янада мустаҳкамласин, деб дуо қилиб қоламиз.

Абдуразоқ ЮНУСОВ, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари.

СПОРТ



ВЕЛОСПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Таиланднинг Нахомрачасима шаҳрида велоспорт (шоссе) бўйича навбатдаги Осий чемпионати якунланди. Қитъамизнинг 23 мамлакатидан 150 нафардан ортиқ велоспорт усталари иштирок этган чемпионатнинг яқалик бахсларида ҳамюртимиз Владимир Тўйчиев бронза медалчили қўлга киритди. 200 километр масофага

гуруҳ пойга беллашувида эса маррага тўртинчи бўлиб етиб келди. Шунингдек, чемпионатда ана бир вақилимиз Муроджон Холмуродов муваффақиятли иштирок этиб, рейтинг очколарини яхшилаб олди. Усмиллар ўртасидаги яқалик бахсларида терма жамоамиз аъзоси Азамат Тўраев олтинчи ўринни эгаллади.

Энди велоспорт бўйича терма жамоамиз аъзолари сентябрь ойининг охирида Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлгандиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

АВТО РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

 GAZ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндикли	 GAZ-31105, «ВОЛГА»	 GAZ-33023 «Фермер» , юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндикли	 GAZ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»
 GAZ-3307 , 40 та газ баллонлари ташувчи	 GAZ-2705 , 7 ўриндикли металл билан қопланган фургоң, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндикли	 GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндикли	 GAZ-3302 , нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндикли

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» ўй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

РОССИЙСКИЙ ЛИНОЛЕУМ

Обои ВИНИЛОВЫЕ

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси директорининг умумий ишлар бўйича ўринбосари Равшан Пулатова онаси

ЗАКНЯ асиянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртага Г — 856. 24960 нускада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қороз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.00. Тошпирлиди — 23.50 23456